

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ХАНДАМОВА МАЪРИФАТ АКРАМОВНА

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ - ФАЛСАФИЙ
ҚАРАШЛАРИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Хандамова Маърифат Акрамовна

Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари 3

Хандамова Маърифат Акрамовна

Социально-философские взгляды Абу Райхана Бируни..... 31

Khandamova Marifat Akramovna

Social and philosophical views of Abu Rayhan Beruni..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 61

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ХАНДАМОВА МАЪРИФАТ АКРАМОВНА

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ
ҚАРАШЛАРИ**

09.00.03 - Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.DSc/Fal58 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Шодиев Рустам Тохирович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Наврўзова Гулчеҳра Негматовна**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Баходиров Роиқ Мажидович
фалсафа фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий университети**


Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019 F.02.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» декабрь соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40 e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Тарих факультети, 1 қават, 105-хона).


Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 74-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «7» декабрь кунинда тарқатилди.
(2021 йил «7» декабрь даги 74 рақамли баённомаси)




Ш.Ш.Негматова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент


Х.А.Джуракулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент


А.Р.Самадов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон тарихий тараққиёти шуни кўрсатадики, буюк аллома ва мутафаккирларнинг бой маънавий-фалсафий меросида илгари сурилган бағрикенглик, тинчлик, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик каби гуманистик ғоялари жамиятдаги деструктив ҳолатларни олдини олишда ўзининг конструктив аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Айниқса, жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган мутафаккирларнинг маънавий мероси глобаллашув шароитида маданий трансформация жараёнини меъёрлаштириш, умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш учун асосий ўрин тутмоқда. Шу билан бирга, ҳозирги даврда аجدодларимиз қолдирган ижтимоий, фалсафий ва маданий меросидан замонавий ёшлар интеллектуал салоҳиятини ўстиришда фойдаланиш бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Жаҳон илмий-фалсафий мероси тараққиёти тарихида маънавий мероснинг такрорланмас хазинаси ҳисобланган қомусий мутафаккирларнинг ахлоқий, илмий-маърифий ва фалсафий қарашлари, таълимотларини тадқиқ этиш концепцияси доирасида илмий-эпистемологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу концепция жаҳон илм-фани соҳасида олиб борилаётган фалсафа тарихи йўналишидаги муҳим маънавий меросга оид фундаментал тадқиқотларнинг негизи ҳисобланиб, ҳозирги даврда аجدодларимиз қолдирган илмий, диний, фалсафий ва маданий меросдан жамият тараққиёти йўлида унумли фойдаланиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, буюк мутафаккирларнинг илмий-фалсафий меросини ўрганиш ва уларнинг замонавий фалсафий муаммоларни ечимини топишдаги ўрнини аниқлаш тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни аجدодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. “Ёшлар дунёқарашини шакллантиришда, улар онгида табиат, жамият ривожланиши ҳақида тасаввур ҳосил қилишда Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан яратилган илмий фалсафий мерос битмас-туганмас бойлик хазинаси ҳисобланади. Ундан унумли ва самарали фойдланиш ҳозирги вақтда мустақил жамиятимизнинг олдида турган долзарб вазифадир”¹. Бу вазифаларни амалга оширишда, аввало буюк аجدодларимизнинг бой маънавий меросини, айниқса Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини илмий тадқиқ қилиш ва ёшлар онгига сингдириш бугунги замонавий дунёда янада аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 28 июлдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. – Т.: Маънавият, 2017 –Б.184.

ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида” қарорлари ва 2019 йил 8 апрелдаги ПФ-5465-сон “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹:

Шарқ мутафаккирлари маънавий меросида берунийшунослик муаммоларини ўрганишга ва унинг фалсафий тафаккур ривожига асосланган илмий тадқиқотлар бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Widener University, University of Florida, University of Pennsylvania, University of Miami (АҚШ), University of Oxford, London Business School (Англия), Санкт-Петербург давлат университети, Москва давлат университети (Россия), University of Vienna, Queensland University of Technology (Австралия), University of Brussels (Бельгия), University of Hamburg (Германия) ва бошқалар томонидан тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон фалсафаси тарихи манбаларида Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётига таъсири ва таълимотларининг ижтимоий-фалсафий масалалари бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: оламнинг умумбашарий манзарасини такомиллаштириш ва у билан боғлиқ фалсафанинг муаммоларини ҳал қилишда ер ҳаракати ва ҳаракатсизлик таълимотларининг геометрик тенглиги масалалари асосланган (University of Brussels (Бельгия), Минералогияда маъданларни солиштирма оғирлигига қараб таснифлаши, минералларни келиб чиқиши, шаклланиши жараёнини аниқлаш, моддалар ҳақидаги ғайри илмий тасаввурларни танқид қилишдаги умуминсоний ва фалсафий ёндошувлар, ўзаро таъсир ва алоқадорлик масалалари илмий далилланган (Москва давлат университети (Россия)); борлиқни илоҳий вужуд ва табиат ташкил этиши, уни билишда ваҳий, табиий билиш жараёни борлиқни яхлит бирлик сифатида билишга оид гносеологик ва онтологик таълимотларнинг билиш ва борлиқ хусусидаги қарашлар ривожига

¹ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: www.univie.ac.at; www.upenn.edu; www.qut.edu.au; www.ufl.edu; www.uni-hamburg.de; www.london.edu; www.miami.edu; www.ox.ac.uk; www.widener.edu; www.niversityofbrussels.com; www.spbu.ru; www.rgup.ru; www.msu.ru.

ворисий таъсири аниқланган (Санкт-Петербург давлат университети (Россия); инсоннинг жисмоний тузилиши, ҳаёти ва ранг сурат, табиат ва ахлоқи географик шароитларга боғлиқлиги хусусидаги табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий қарашларининг моҳиятига оид гуманистик ғоялари исботланган (University of Hamburg (Германия); ноорганик дунёдан органик дунёнинг фикрламайдиган дунёдан ақл идрок ва тафаккур, фикрлаш имкониятига ўтиши унинг моҳияти ва сабаблари, материя билан шакл, сабаб билан оқибат, имконият билан воқелик, миқдор билан сифат, жамият билан табиатнинг ажралмаслиги, яхлитлиги ўзаро алоқадорлиги хусусидаги таълимотлари илмий-фалсафий далилланган (University of Pennsylvania (АҚШ)).

Дунёда Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларининг фалсафий жиҳатларини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ижтимоий борлиқ, ижтимоий билиш, оламни билиш сабабларини илмий асослаб беришга оид; ижтимоий-маданий ҳаёт, диний толерантлик, инсонпарварлик туйғуларни шакллантиришга оид илмий концепциялар яратиш; отнологик ва гносеологик қарашларнинг таҳлили, маънавий-ахлоқий қадриятлар ўзига хослик инқирозини олдини олишга оид; ижтимоий-фалсафий таълимотлар тарихини янада бойитишда Марказий Осиё мутафаккирларининг маънавий меросни гуманистик моҳиятини очиб бериш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини ўрганишга оид тадқиқотларни концептуал-услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги тартибда гуруҳлаш мумкин: 1) Берунийнинг замондошлари томонидан ёзиб қолдирилган маълумотлар; 2) Хорижий тадқиқотчилар олиб борган изланишлар; 3) Шўролар даврида берунийшунослик; 4) Мустақиллик йилларидаги берунийшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотлар.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, аллома ҳақида унинг замондошлари ҳам ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Жумладан, Абул Фазл Байҳақий, Абу Саид Гардизий, тарихчи ва географ Ёкут ал-Ҳамавий, Арузи Самарқандий асарларида Берунийнинг ижодига оид маълумотларни учратиш мумкин.

Хорижий олимлар томонидан Абу Райҳон Беруний ижтимоий-фалсафий қарашларини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: 1950-йиллардаги хорижий берунийшуносликдаги энг муҳим воқеалардан деб Абу Райҳон Берунийнинг 1000 йиллигига бағишланган ишлардан “Қонуни Масъудий” арабча матни ва катта мақолалар тўпламининг нашр этилганлиги дейиш мумкин. Бу иккала иш Ҳиндистонда бажарилди. Ҳайдарободда (Декан, Ҳиндистон) 1954-1955 йилларда нашр этилган икки томлик М.Краузе томонидан 40-йилларда бажарилган эди. III том (1956 й.) профессор С.Х.Боронийнинг шу асарга бағишланган таҳлилий ишидан иборат.

Берунийнинг 1000 йиллигига бағишланган тўплам 1951 йили Калькуттада нашр этилди. Унда Ғарбий Европа ва Шарқ (Ҳиндистон ва Эрон) олимларининг 20 дан ортиқ мақолалари келтирилган бўлиб, улар орасида муҳими профессор С.Х.Боронийнинг катта мақоласи ҳисобланган. Унда муаллиф Берунийнинг геодезия тарихидаги ролини кўрсатган. Бу тўпламда

бошқа кичик мақолаларда ҳам муҳим масалалар келтирилган. Уларнинг бирида Ж.Филиоза (Париж) Берунийнинг алкимёга бўлган муносабатни кўриб чиққан, бошқасида – машхур француз шарқшуноси Л.Массиньон ислом дунёсидаги илм соҳасида халқаро муносабатлар ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини айтган, учинчисида – В.Ф.Минорский (Кембридж) Берунийнинг баъзи оғзаки манбалари ҳақида ўз фикрини ўртага ташлаган, тўртинчисида – Ф.Габриэли (Рим) Беруний асарларидаги Платон асарларидан иқтибослар келтирилганлигини айтган, бешинчисида – Х.Херас (Бомбай) Берунийнинг адвайта (Адвайта-веданта санскр. advaita –“дуализм”, Веда таълимотида инсон руҳининг оламий рух билан ўзаро уйғунлиги тушунилади. Йирик вакили Шанкара.) таълимоти асослари билан хабардорлиги ҳақидаги фикрини баён этган. Америкалик олим А.Пуоп ўзининг илмий мақоласида Беруний дунёқарашининг баъзи тарафлари ҳақида тўхталган бўлса, бошқа америкалик олим А.Жефферининг мақоласида Берунийнинг диний қарашларга муносабатини таҳлил қилган. Калькутталик олим С.К.Чаттержининг мақоласида Беруний санскритни қанчалик билганлиги ҳақида қимматли маълумотлар келтирган, ҳамда И.Гонданинг (Утрехт) Берунийдаги санскритча манбаларга ёндашиш усули таҳлил қилинган.

Хорижда 1950-йилларда нашр этилган ишлардан тартиб бўйича биринчи навбатда Истамбул кўлёмаси мавжуд бўлиб, Э.Захау нашрига кирмай қолган “Осор ал-боқия”даги парчаларнинг К.Гарберс ва Фюкк томонларидан нашр этилганлигини ва улардан бири К.Гарберс томонидан таржима қилинганлигини эслатиш мумкин. Д.Буало томонидан 1955 йилда “L’oeuvre d’al-Beruni, Essai bibliographique” номли тадқиқотини нашр этилиши дунё берунийшунослигида буюк воқеа бўлиб, унда Берунийнинг таржимаи ҳоли ва ижодига оид энг муҳим нашрларга катта эътибор берилган.

Берунийнинг ҳинд фалсафасига оид “Патанжала” асарини санскритчадан арабчага таржима қилган ягона Истанбул кўлёмаси асосида 1956 йили Г.Риттер томонидан французча таржимасини нашр этди.

Мутафаккирнинг фалсафий дунёқарашини бўйича Эрон олимлари томонидан ҳам бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган, асарлари нашр эттирилган. Жумладан, эронлик файласуф ва илоҳиётшунос олим Муртазо Мутахҳарий, луғатшунос олим Алиакбар Деххудо, Сайид Хусайн Наср, Озод Армакийнинг илмий рисола ва мақолаларида Берунийга оид қимматли фикр-мулоҳазалар ва маълумотлар берилган.

XXI асрда ҳам хорижда берунийшунослик ўз аҳамиятини йўқотмади, аксинча кўпгина янги тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, 2013 йил декабрида профессор С.Ф.Старр (АҚШ) “Бугунги тарих” мақоласида “ал-Берунийнинг ишлаш усули бизни шу билан хайратлантирадики, у худди бизнинг ҳозирги кундаги услубларимизга ўхшаб, сокин ва қатъий овоз билан (иррационализм) ўрта асрлардан жаранглаб келади”, – деб таъкидлаган эди¹.

¹ Starr F. S. Published in History Today Volume: 63 Issue: 12. 2013.

Шуни таъкидлашимиз жоизки, бугунги кунда Абу Райҳон Беруний илмий меросини ўрганиш борасида жаҳон илмий жамоатчилик томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

2018 йили Афғонистоннинг Кобул шаҳрида ўтказилган халқаро конференция ёки Бангладеш давлатининг Дакка университетиде Абу Райҳон Беруний фонди фаолият кўрсатаётганлиги фикримизни тасдиқлайди. Веб сайти www.arfbfd.org бўлган ушбу фонднинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар йили Шарқ алломаларининг илмий меросини ўрганиш, шу қаторда Беруний фаолиятини тадқиқ этишга оид самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Беруний ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича кўпгина тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, 1938 йилда А.А.Семёновнинг тадқиқотида “Ал-Беруний – Шарқ ва Ғарбнинг буюк ўрта аср олими”, И.Ю.Крачковскийнинг “Ал-Беруний ва Шарқнинг XI аср географлари”, Т.И.Райновнинг “Ўзбекистоннинг буюк олимлари (IX-XI асрлар)”. Шунингдек, В.В.Бартольд, С.П.Толстов, А.М.Беленицкий, С.Н.Григорян каби олимларнинг номларини келтириш мумкин. Шунингдек, тожикистонлик тадқиқотчи Д.Мажидовнинг “Натурфилософия Абу Рейхана Бируни”¹ мавзусидаги тадқиқотида ҳам Берунийнинг натурфалсафага оид қарашлари илмий таҳлил этилган.

Юртимиз олимлари томонидан 1973 йили Беруний таваллудининг минг йиллиги муносабати билан берунийшунослик соҳасида бир қатор илмий тадқиқотлар нашр қилинди. Булар жумласига, П.Г.Булгаковнинг фундаментал монографияси, Б.А.Розенфельд, У.И.Каримов, А.Шарипов, А.Расулов ва А.Аҳмедовларнинг илмий ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Профессор О.Файзуллаев Берунийнинг “Осор ал боқия” асарига ёзган сўзбошисида ҳозирги замон фалсафа фани нуқтаи назаридан асарнинг долзарблигига жиддий эътибор қаратиб унинг илмий аҳамиятини кўрсатган бўлса, А.Шарипов Берунийнинг табиий-илмий ва фалсафий дунёқарашини ўрганиши билан бу борадаги кейинги тадқиқотларга замин бўлди.

Мустақиллик йилларида ҳам юртимиз олимлари томонидан бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, Ж.Ибодов², Р.Баҳодиров³, Т.Аҳмедов “Беруний асарларида дин муаммолари”; “Беруний асарларидаги тарихий-фалсафий муаммолари ҳақида”, Г.Носирхўжаеванинг тадқиқотлари, Ф.Жўрақулов “Абу Райҳон Беруний табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий меросининг Ғарб олимлари томонидан тадқиқ этилиши”⁴; Л.Юлдашева “Абу Райҳон Беруний дунёқарашиде ҳинд фалсафаси муаммоларининг талқини”; Р.Умарова “Берунийнинг борлиқ ҳақидаги таълимоти” каби тадқиқотлари мавзу доирасидаги муаммони тадқиқ этишда маълум даражада илмий-назарий

¹ Мажидов Д. Натурфилософия Абу Райхана Бируни. Автореф. диссертации канд.наук. – Душанбе, 2015.

² Ибодов Ж.Х. Марказий Осиёда Уйғониш даври қомусий олимларининг фалсафий қарашлари вааниқ фанлар соҳасидаги кашфиётлари. – Тошкент: Мевриус, 2009. - 160 б.

³ Баҳадиров Р.М. Из истории классификации наук на среневековом мусульманском Востоке. - Ташкент: Фан, Академия, 2000. - 126 с.

⁴ Абу Райҳон Беруний табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий меросининг Ғарб олимлари томонидан тадқиқ этилиши. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. - Т.: 2007. – Б.147.

аҳамиятга эга бўлди. М.И.Хужаевнинг¹ диссертациясида Заки Валидий томонидан Берунийнинг илмий фалсафий мероси қисман тадқиқ этилган.

Адабиётшунослик ва филология фанлари доирасида А.Қаюмов, О.Н.Шоматов, И.Абдуллаевларнинг изланишлари ҳам берунийшунослик борасидаги баъзи фикрларни тўлдирди.

Мавзу доирасидаги муаммоларни тадқиқ этишда тарихшунос ва археолог олимлар С.П.Толстов, Я.Ғуломов ва Б.Абдуҳалимовлар² томонидан амалга оширилган тадқиқотлар ҳам диссертация мавзуси доирасидаги фалсафий қарашлар генезиси ва ижтимоий-иқтисодий давр тараққиётига таъсирини далиллашда муайян даражада хизмат қилди.

Бироқ, Абу Райҳон Беруний илмий меросининг таҳлили натижалари шуни кўрсатмоқдаки, унинг ижтимоий-фалсафий қарашларини ҳали комплекс тарзда илмий таҳлил қилинмаган. Диссертацияда ушбу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-2020022811 рақамли “Ўзбекистон ҳудудларидаги тарихий-маданий анъаналар ва уларнинг замонавий кўринишларини тарғиб этувчи платформа яратиш” (2020-2022) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларининг тафаккур тараққиётига таъсирини ҳар томонлама таҳлили, фалсафа тарихидаги аҳамиятини ва бугунги кундаги замонавий фалсафанинг ривожланишидаги ўрнини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Берунийнинг табиатшунослик ривожига қўшган ҳиссасини кузатув ва тажриба методлари орқали ёритиб бериш;

Беруний фалсафий меросидаги онтологик ва гносеологик қарашларнинг диалектик алоқадорлик хусусиятларини ёритиш;

Мутафаккирнинг жамият тараққиёти ҳақидаги ижтимоий-ахлоқий қарашларининг институционал ва функционал моҳиятини қиёсий таҳлил этиш;

Беруний ижтимоий-фалсафий қарашлари асосида ёшларда диний экстремизм ва фундаментализмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг янги восита ва омилларини ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий мероси танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Абу Райҳон Беруний меросининг онтологик, гносеологик, антропологик, гуманистик қарашлари мазмун-моҳиятини илмий асослаш билан белгиланади.

¹Хўжаев М.И. Аҳмад Заки Валидийнинг диний-фалсафий таълимоти. Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Т.: 2019. –Б.147.

² Абдуҳалимов Б. Байтул-ҳикмат ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. Т.Фан, 2004. – Б. 236.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, тизимли ва қиёсий таҳлил, ворисийлик, даврлаштириш, таснифлаш, герменевтик ва синергетик усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Абу Райҳон Берунийнинг “Осор ал-боқия”, “Геодезия”, “Минерология”, “Тафҳим”, “Сайдана” асарларидаги мурувват, жисмоний баркамоллик, руҳ софлиги каби гуманистик ғоялари ижтимоий тараққиётнинг асосий омилларидан бири эканлиги фалсафий жиҳатдан далилланган;

Абу Райҳон Берунийнинг жамиятни вужудга келиш сабаблари, ички тузилиши, урф-одатлари, оилавий муносабатлар, диний қадриятлар, инсон ва жамият ўртасидаги алоқадорликлар борасидаги қарашлари замонавий жамият характерига адекватлиги мантиқий исботланган;

Берунийнинг “Геодезия”, “Осор ал-боқия”, “Қонуни Масъуд” асарларида илгари сурилган ҳаракат, макон, замон ва борлиқ ҳақидаги онтологик қарашлари замонавий онтологиянинг категориал апаратини такомиллаштиришда асос бўлганлиги аниқланган;

Берунийнинг кузатув ва тажрибага асосланган, реалистик, прагматик, секуляристик ғоялари бугунги даврда ёшларни радикализм, оммавий маданият каби мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялашнинг муҳим субстанционал вазифаларини белгилаб бераётганлиги мантиқий далилланган;

мутафаккир “Ҳиндистон” асарида холислик, ҳаққонийлик, толерантлик каби тамойилларга изчил амал қилганлиги ва бу унинг қомусий қиёфасини шаклланишида муҳим омил бўлганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида инсон фазилатлари, юксак маънавий-ахлоқий, тарбиявий хусусиятлари, фозил жамоа ва жамият раҳбари тўғрисидаги фикр ва қарашлари асосида инсон камолоти ва маънавий юксалишининг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган;

Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларидан фалсафа, диншунослик, фуқаролик жамият, социология, тарбия каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда илмий манба сифатида хизмат қилади;

Абу Райҳон Беруний ўз даврининг этносоциологи сифатида жамиятнинг вужудга келиш сабаблари, ички тузилиши, урф-одатлари, оилавий муносабатлар, диний қадриятлар, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий-фалсафий аспектлари каби методологик аҳамиятга эга ғояларини ижтимоий институтлар фаолиятига жорий этиш мумкинлиги асослаб берилган;

Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларидан таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика ва Халқаро аҳамиятига эга илмий конференцияларда эълон қилинган, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК тавсия этган ихтисослаштирилган журналларда чоп этилган мақолалар, илмий анжуман ва давра суҳбатларида берилган ахборот ва тавсиялар, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялар ва умумназарий хулосалар тарих, ижтимоий фалсафа, этика, маданиятшунослик, диншунослик, фуқаролик жамияти ва демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, миллий ғоя, социология фанлари доирасида амалга ошириладиган тадқиқотлар ва методологик ёндашувларни такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ва таклифлар ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан халқимизнинг тарихий маданий-мероси, миллий ғоя, қадриятларни тарғиб қилишда, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Маънавият ва маърифат маркази ва унинг вилоят бўлимлари маънавий-маърифий дастурларида, маҳаллалар, музейлар, ўқув-тарбия билан шуғулланувчи муассасалар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий - фалсафий қарашларини тадқиқ қилиш асосида:

Берунийнинг “Геодезия”, “Осор ал-боқия”, “Қонуни Масъуд” асарларида илгари сурилган ҳаракат, макон, замон ва борлиқ ҳақидаги онтологик қарашларига оид таклиф–тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий маркази томонидан нашр этилган “Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси” мавзусидаги энциклопедияни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий марказининг 2020 йил 15 декабрдаги 02/359-сон маълумотномаси). Натижада, тадқиқотчининг илмий тадқиқот иши натижалари “Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси” мавзусидаги энциклопедияни мазмунан такомиллаштиришга хизмат қилган;

Абу Райҳон Берунийнинг “Осор ал-боқия”, “Геодезия”, “Минерология”, “Тафҳим”, “Сайдана” асарларидаги муруват, жисмоний баркамоллик, рух софлиги каби гуманистик ғоялари ижтимоий тараққиёт омили эканлигига оид таклиф ва тавсияларидан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” номли дарслигининг “Миллий ғоянинг шаклланиш тарихи, унинг намоён бўлиш хусусиётлари” деб номланувчи 2-бобининг “Миллий ғоянинг тарихий илдизлари” ва “Ўрта асрлардаги ғоявий қарашлар тарихи ва ривожланиш

хусусиятлари” деб номланган мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 89-03-5633-сон маълумотномаси). Натижада, илмий-тадқиқот иши мазкур дарслик мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Берунийнинг кузатув ва тажрибага асосланган, реалистик, прагматик секуляристик ғоялари бугунги даврда ёшларни радикализм, оммавий маданият каби мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялашда субстанционал вазифани бажариши илмий-назарий асосланганлигига оид илмий хулосалар, таклиф ва тавсияларидан Вилоят ўлкашунослик музейи табиат бўлимидаги минералогик ва тошқотма ашёларга илмий ишлов беришда, музей экспозицияларининг экспликацияларини шакллантиришда, шунингдек, Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейининг “Ўзбекистон дунё маданиятлари чорраҳасида” экспозициясининг экскурсия матнлари ва экспликациясини қайта ишлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 01-12-10-5680-сон маълумотномаси). Натижада, музей фаолиятини янада такомиллаштиришга ва бу орқали музейга ташриф буюрувчиларнинг буюк аждодларимиз маънавий меросига бўлган қизиқишини ортишига ва уларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилган;

Абу Райҳон Беруний ўз даврининг этносоциологи сифатида жамиятнинг вужудга келиш сабаблари, ички тузилиши, урф-одатлари, оилавий муносабатлар, диний қадриятлар, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар борасидаги қарашларига оид илмий хулосалар, таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарор дастурига мувофиқ, Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга доир тадбирлар”ининг VIII бобидаги “Ўзбекистоннинг бой маънавий мероси, меъморий ва тарихий ёдгорликларини кенг тарғиб қилиш мақсадида ЮНЕСКО жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган мамлакатимиздаги объектлар ҳақидаги маълумотларни 3D форматида намойиш этадиган электрон фото жамланма (виртуал саёҳат) яратиш ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғиб қилиш” мавзусидаги 34-бандини шакллантиришда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 06 январдаги 0207-08-сон маълумотномаси). Натижада, Марказ фаолиятини янда такомиллаштиришга ва бу орқали буюк мутафаккирларнинг бой маънавий меросини кенг аҳоли қатламига етказишга хизмат қилган;

Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” асаридаги ижтимоий-фалсафий қарашларини илмий таҳлили натижасида муаллифнинг фалсафий-илмий нуқтаи назардан холислик, ҳаққонийлик, толерантлик каби тамойилларга

изчил амал қилганлигига оид илмий назарий-методологик хулосалари, тавсиялари ва амалий таклифларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 15 декабрь куни эфирга узатилган “Аждодлар мероси” радиоэшиттириши ҳамда 2020 йил 18 декабрь куни эфирга узатилган “Мозийдан садо” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 21 декабрдаги 09-01/383-сон маълумотномаси). Натижада, буюк мутафаккирларнинг маънавий мероси бўйича кенг аҳоли қатламига маълумот етказиш мақсад қилиб олинди ва унга эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 8 та республика илмий анжуман ва конференцияларида муҳокама қилиниб, синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан 1 монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (9 та республика ва 2 та хорижий журналда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, ўн битта параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг матни 214 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Абу Райҳон Беруний Шарқ Уйғониш даврининг қомусий мутафаккири**” деб номланган биринчи бобида IX-XI асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ Хуросон ерларида ҳукм сурган ижтимоий-сиёсий тузум – асосан Сомонийлар давлати, кейин кучайиб борган Ғазнавийлар ва Қорахонийлар сулолалари ҳукмронлик қилган давр хусусида батафсил маълумот берилган. Бу даврда ушбу ҳудудларда ислом дини аллоқачон тўла ғалаба қозонган бўлиб, улар ундан ташқари бу ҳудудлар исломнинг таянч ерларига айланиб қолган эди. Маҳаллий маданий ривожланиш даврининг аввалги икки асрча қисмида суннийлик йўналишидаги исломнинг тўртта мазҳаби қобиғида ўсиб борди. Бунда мазҳабларнинг бирортаси устунлик қилишга уринмас эди¹.

¹ Грюнебаум. Г.Э. фон Классический ислам 600-1258. – М.: Наука, 1988. С. 120.

Асосий тўрт суннийлик мазҳабидан ташқари VIII аср бошларидаёқ ислом қаърида ўз даври учун янги бўлган муътазилия ғоявий-фалсафий оқими пайдо бўлди. Муътазилиянинг ислом маданиятига аосий хизмати шу бўлдики, у инсон онгининг эркинлигини эълон қилди. Уларнинг айтишича, инсон мустақил ҳаракатга қодир, унинг эгаси – яхшиларнинг ҳам, ёмонларнинг ҳам, инсон нариги дунёда ўз қилмишига кўра мукофот ё жазо олади, деганлар¹. Муътазилия таълимоти Аббосий халифа ал-Маъмун (813-833) томонидан энг мукаммал ишланган илоҳий таълимот сифатида тан олинди ва у давлат диний таълимоти бўлиб қолди. Халифанинг бу истилоҳи ислом маданияти учун катта ижобий роль ўйнади. Бағдоддаги “Байту-л-ҳикма”, яъни ал-Маъмун академиясида таржимонлик фаолиятига кенг йўл очилди. Халифа ал-Маъмун даврида ва ундан кейинроқ ҳам, то халифа ал-Мутаваккил (вафоти 861 йил) давригача Бағдод академиясида юнончадан кўплаб китоблар араб тилига таржима қилинди. Қадимги юнон мутафаккирлари Сократ, Платон, Аристотел ва бошқаларнинг номлари асосан ана шу даврда ислом дунёсида кенг тарқалди.

Тадқиқотда Марказий Осиёнинг араблар томонидан истило этилиши ва ислом динининг тўла ғалабаси мусулмон илоҳиётида ва расмий ҳужжатларда ўз аксини топган. Араб тили фақат тарғибот ва намоздагина қўлланиб қолмай, балки диний адабиётдан ташқари ҳуқуқий асарлар ва ҳужжатлар ҳам шу тилда ёзилди. Чунки ҳуқуқий асарлар илоҳиёт билан мустаҳкам боғланган эди. Бу ҳудудда араблар илк кезларда ўзлариникидан бир мунча устун бўлган маданиятга дуч келдилар. Бу жараёнда араблар кўп жиҳатдан маҳаллий халқларнинг маънавий қарашларини ўзлаштирганликлари таъкидланади.

Яқин ва Ўрта Шарқда IX-XI асрларда юз берган иқтисодий ва маданий кўтарилишнинг омиллари халифалик давридаёқ яратилган эди. IX аср бошларида халифаликда кўплаб олимлар, жумладан, астрономлар, математиклар, медиклар, файласуфлар, шоирлар ва бир қатор таржимонларнинг ижодий фаолияти ривожланиб, мисли кўрилмаган кўламда ёйилди. Бу олим ва мутафаккирлар кўпдан-кўп бебаҳо асарлар яратганки, улар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги академик М.М.Хайруллаев томонидан алоҳида таъкидланади². Шуниси характерлики, IX-X асрларда араб тилида асарлар ёзган қомусий олимлар – ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний каби машҳур алломалар Марказий Осиёдан етишиб чиққан бўлсалар-да, ўз илмий асарларини араб тилида ёздилар. Абу Райҳон Беруний ҳам ана шу анъана асосида ижод қилди.

Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмда аниқ фанлар соҳасида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилади. Абу Райҳон Беруний келтирган маълумотларга кўра, Ўрта Осиёнинг айрим шаҳарларида IX асрдаёқ узлуксиз астрономик кузатишлар олиб борилган расадхоналар бўлган. Чунончи, Сараҳс шаҳрида Муҳаммад ибн Исоҳ ас-Сараҳсий, Абу Маъшар ал-Балхий ва

¹ Аш-Шахристани. Книга о религиях и сектах. Часть 1. Ислам / Перевод с арабского, введение и комментарии С.М.Прозорова. – М.: 1984. - С. 55.

² Хайруллаев М.М. Фараби. –Т.: Узбекистан, 1975. С.101-102.

Сулаймон ибн Исмаат ас-Самарқандийлар Балхда ҳамда Мансур ибн Талха Марвда систематик астрономик кузатишлар олиб борганлар. X-XI асрларга келиб бундай шаҳарларнинг сони ортиб боради¹. IX асрда Марказий Осиёда бошланган Уйғониш даври ўзига хос шароитда яъни мустақиллик учун курашда бошланди. Мана шу ҳолат унинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди.

Маълумки, Абу Райҳон Берунийнинг илмий фаолияти, X аср охири XI асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Худди мана шу даврда Марказий Осиё халқларининг фани ва маданияти юксалди ва кўплаб қомусий олимлар етишиб чиқди. Ҳозирги замон фанлари асосини яратган буюк олимлар – Муҳаммад Мусо ибн ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср ал-Фаробий, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Синолар уйғониш даврининг энг йирик вакиллари ва мазкур давр ҳосиласи эдилар.

Берунийнинг қатра-қатра ёзган мулоҳазаларидан унинг моддий жиҳатдан қийналиб яшаганлигини кўрамиз. Ҳатто, Беруний ўз таржимаи-ҳолига оид шеърда ўзининг оғир аҳволини баён этиб:

*“Кундадаёқ қуш талаган эт каби
Кун кўраман Ғазна эрур маконим”, - деб ёзади².*

Шу ўринда айтиш жоизки, айрим тадқиқотларда Маҳмуд Ғазнавийнинг Берунийга нисбатан муносабати адолатсиз бўлган деб қаралади. Аслида бу муносабатлар тўғрисида гап кетганда бу масалага хушёрлик билан ёндашиш зарур бўлади деб ҳисоблаймиз. Агар Маҳмуд Ғазнавий мутаассиб ва жоҳил бўлганида эди, унинг салатанати гуллаб яшнамаган, саройида кўплаб олим-фузалолар йиғилмаган бўлар эди. Фикримизнинг исботи сифатида Ёқут Ҳамавийнинг хабарига асосланиб, Берунийнинг Маҳмудга атаб ёзган шеърини келтирамиз:

*Неъматни Маҳмуд дариг тутмади,
Кўрмасликка олди доим нуқсоним.
Жаҳолатим авф айлади ҳурматлаб,
Обрў юксак, тўним янги, бут ноним”³.*

Бундан кўринадики, Беруний Ғазнавийлар саройида обрў эътиборли олимлардан бири саналган.

Хоразмлик бўлажак буюк алломанинг дунёқараши шаклланишининг ўзи муҳим аҳамият касб этади. Энг аввало шуни таъкидлаш зарурки, бизга номаълум қандайдир сабабларга кўра, бўлажак буюк олимнинг ёшлик чоғлариданоқ унда ҳар тарафлама билимларга эга бўлишга интилиш ҳиссиёти уйғонади. Унда турли воқеа ва ҳодисаларга илмийлик нуқтаи назаридан ёндашиш ҳаракати, яъни, у ҳар қандай воқеа, ҳодиса ва муносабатнинг “нега бундай?”, “қандай?”, “нима учун?” деган қатор саволлар нуқтаи-назаридан кузатишни, унинг “ҳувийятини”, ёки ўзлигини аввалига англаш ва сўнг

¹ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. III-қисм, /Геодезия. Мукаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи А.Аҳмедов. –Т.: Фан, 1982.– Б.15.

² Ирисов А. Беруний “Ҳиндистон”и. Тўплам. – Т.: Фан, 1973. –Б.134.

³ Хоразм Маъмун Академияси. –Т.: 2005. –Б.242.

ўзгаларга тушунтириб бериш, шу жараёни тавсифлаш, англантишга интилиш ғояси унинг вужудини қоплагани аниқ. У қандай мавзуга бағишланган асар ёзишга киришган бўлса, албатта, мазкур фикрлар билан ёндашган.

Беруний ҳаётининг сўнгги йиллари Масъуднинг ўғли султон Мавдуд (1041-1048) даврига тўғри келади. Бу даврда ҳам олим тинмай илмий ишлар билан машғул бўлди ва кўпроқ минераллар, маъданлар ва ўсимликлар билан шуғулланади ва уларга бағишлаб асарлар яратди. Шулардан бири “ал-Жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир” (“Жавоҳирларни билиш учун маълумотлар тўплами”) китоби бўлиб, унда қимматбаҳо минераллар ва металллар ҳақида маълумотлар берилган. Бу асар фанда “Минералогия” номи билан машҳурдир. Бу асар рус тилида биринчи марта А.М.Белиницкий¹ томонидан 1963 йилда Ленинградда нашр қилинган ҳамда ўзбек тилида академик А.Қаюмов² таржимаси ва Қ.Санақулов сўз боши билан 2017 йилда нашр этилган

Албатта, Абу Райҳон Беруний ҳам ўз даврининг етук олими, файласуфи бўлишда юқоридаги келтирилган омиллар ҳам муҳим роль ўйнаган. У машҳур юнон табиатшунослари ва мутафаккирлари асарларини чуқур эгаллаб, арабчага таржима қилган асарларни оригиналга (аслига) солиштириб кўрган ва талайгина хатолар ва чалкашликларни топган. Ўткир ақл эгаси бўлган Беруний қадимги юнон фалсафасини ҳар тарафлама билиш учун, пухта билим ҳам кераклигини алоҳида таъкидлайди.

Беруний фалсафий қарашларининг ғоявий манбалари тадқиқида ўша давр муҳитини эътиборга олиш зарурдир. У юнон, ҳинд, араб ҳамда Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашларини чуқур ўрганади, олимлар қарашларидаги ўзаро боғлиқлик ва фарқларни кўрсатиб, ҳар бир асарини ёзишда жуда кўп манбаларни жалб этади ва улардан унумли фойдаланади.

Диссертациянинг **“Мутафаккир фалсафий қарашларининг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида Абу Райҳон Беруний илмий меросининг онтологик ва гносеологик жиҳатлари таҳлил этилган бўлиб, мутафаккирнинг муаммоларни тадқиқ этиш услуби аниқ маълумот ва фактларга асосланиши, уларни умумлаштириш ва идрок этиш, қиёсий таҳлил ва холисона баҳолашдан иборат эканлиги аниқланди.

Диссертант Беруний ва Ибн Синонинг ёзишмаларида асосий масала юнон фалсафаси, авваламбор Аристотел натурфалсафасининг муҳим масалаларидан яъни жисмларнинг чексиз бўлиниши бўйича илмий мунозаралар олиб борган. Берунийнинг бу борада Ибн Синога қарши чиққанлигини кўрган айрим муаллифлар уни Демокритнинг тарафдори деган хулосага келганлар. Лекин Беруний томонидан бу масала бирмунча мураккаброқ қўйилган. “Нима учун

¹ Абу Райхан Бируни. Китаб ал-джамахир фи маърифат ал-джавахир, в переводе А.М.Беленицкого под редакцией Г.Г.Леммлейна “Собрание сведений для познания драгоценностей” (“Минералогия”). – Москва, Наука, 1963. –С.245.

² Абу Райҳон Беруний. Қимматбаҳо жавоҳирлар ҳақида билимлар китоби (Минералогия). Таржимон академик А.Қаюмов. – Т.: 2017. –Б.195.

Аристотел бўлинмас бўлакчалар бор деювчиларнинг сўзига қўшилмади? Холбуки, жисм чексиз бўлишни қабул қилади, деганлар сўзига лозим келадиган нарса ундан ёмонроқ эди”, - деган саволни берган Беруний ўз фикрини давом эттириб, “бу эътирозларга геометрия олимлари жавоб беради”¹ – дейди. Унинг фикрича, янги сифатнинг юзага келиш муаммоси атомистлар ўртасида қийинчилик туғдирган. Шу муносабат билан у умуман сифат ўзгаришларнинг моҳияти тўғрисидаги масалани кўтариб чиққан. Элементларнинг ўзгармаслиги ҳақидаги концепциялардан фарқли ўларок, у турли ҳодисаларни элементлар заррачалардаги ўзгаришлар ва уларнинг бирдан иккинчисига айланиши билан тушунтиради. Ундан ташқари, ҳозирги замон фани Беруний ҳақлигини тўла-тўқис тасдиқлайди. Мутафаккирнинг фалсафий қарашларига чуқурроқ эътибор қаратадиган бўлсак, шуни таъкидлаш лозимки, унинг фалсафий дунёқараши табиий-илмий қарашлари асосида шаклланган.

Абу Райҳон Берунийнинг онтологик ва гносеологик қарашлари берунийшунослар томонидан ҳам жиддий ўрганилган. Берунийнинг бу борадаги қарашлари бир неча нуктаи назардан таҳлил этилган. Берунийнинг онтологик қарашлари муаммосини батафсил ва жиддий кўриб чиққан эронлик берунийшунослардан бири С.Х.Насрдир Олимнинг эътироф этишича, Беруний бу муаммони “Ҳиндистон” китобининг “дунёнинг яратилиши ва унинг кейинги тарихи” деган бобида кўяди² ва чуқур таҳлил этилганлигини эътироф этади. С.Х.Наср, шу билан бирга, Берунийнинг олам яратилган вақтдан буён ниҳоятда кўп замонлар ўтгани ҳақидаги фикрларини ҳам келтиради, лекин охир-оқибатда улар ўзининг ибтидоси ва интиҳосига эга бўлишини таъкидлашини кўрсатади. Берунийнинг бу фикрини З.В.Тўғон ҳам худди шундай изоҳлайди³. Ернинг пайдо бўлиши масаласи Беруний онтологиясининг таркибий қисмидир. Чунки Берунийнинг табиий-илмий қарашларини бу масаласиз тасаввур этиб бўлмайди. Унинг фикрича Ернинг пайдо бўлиши даврини аниқлаш учун фанда етарли далиллар мавжуд эмас. У ушбу саволга жавоб бериш учун табиий илмий маълумотларни жалб этади: “Биз оламнинг яратилиши тўғрисида, қадимги кузатилувчи натижаларидан ташқари ҳеч нарсани билмаймиз. Уларнинг ташкил топиши учун жуда катта муддатлар талаб этилган”⁴ деб ёзади.

Беруний “Геодезия” асарида олам яратилиши ҳақида фикр юритиб, “Биз олам яратилиш ҳолати ҳақида фақат қараб кузатиладиган, ҳосил бўлиши учун икки тарафдан чегараланган бўлса ҳам, лекин катта муддат керак бўлган қадимги жараёнларнинг изларидангина биламиз. Масалан, тошга айланган лой ва қум билан боғланган ва текис, рангли тошлардан таркиб бўлган баланд

¹ Хоразм Маъмун академияси. –Т.: Фан, 2005. –Б.151.

² Nasr S.H. introduction to Islamic cosmological doctrine. 1964 by the President and Fellows of Harvard College. - p. 116-121.

³ Validi Togan A.Z. Berun’s picture of the word. – Calcutta, 1937-38. - p.118.

⁴ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, III, Геодезия. Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи А.Аҳмедов. –Т.: Фан, 1982. –Б.70.

тоғлар ўша излардандир. Агар кимда-ким бу масала ҳақида чуқур ўйласа ва унга тўғри йўл топса, кўрадики, бу тош парчалари ва шағаллар – аслида тошлар бўлиб, тоғларнинг ёрилиши ва [қояларнинг] урилишидаги парчаланиш натижасидир”. “... Бу ҳодисаларнинг ҳаммасига, албатта, миқдорини билиб бўлмайдиган узоқ замонлар зарур бўлган ва улар сифати номаълум ўзгаришлар остида юз берган”¹. Берунийнинг табиий-илмий қарашлари, оламнинг манзарасини илмий изоҳлаши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Табиий фанлар соҳасидаги тадқиқотлари фалсафий нуқтаи-назардан ҳам муҳимдир.

Немис олими Э.Захау алломанинг фан соҳасидаги энг йирик ютуқларидан бири сифатида ана шу услубни кўрсатган ва қуйидаги хулосага келган: “Беруний ҳар бир мавзуни Аристотель ва Платон, Птолемей ва Гален ғоялари асосида тарбияланган ақл ҳукмидан ўтказиб унинг айни мавзуларни ҳозирги замон танқидий ёндашув руҳида тадқиқ этиши замондошларимизни шубҳасиз ҳайратга солиши муқаррар”². Унинг оламнинг чексизлиги ва инсоннинг билиш қобилияти ҳақидаги қарашлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Диссертант мутафаккирнинг дунёқарашида билиш муаммолари устувор мақомга эга эканлигини таъкидлаб, бу масалалар ечимини излашда Беруний кузатув, синов-тажриба, ақл-фаросат тамойилларига таянганлигини келтирган. Воқеликни ўрганишда қуйидаги талабларга амал қилиш шарт, – дейди олим: тадқиқ қилинаётган нарса, ҳодиса ва хусусиятларнинг нисбий муайянлиги, ҳақиқатнинг аниқ жуғрофий шароитлар билан ўзаро боғлиқ эканлиги, ўрганилаётган ҳодиса ва вақт бирлигига алоҳида эътибор қаратиш. Бундан ташқари, кузатув синов-тажриба билиш жараёнини бир мунча енгиллатса-да, уларга нисбатан эътиборсиз муносабатда бўлиш самара бермайди. Демак, бизнинг билимларимиз нақадар тўғри ёки нотўғри бўлиши “кузатувчи-тадқиқ этилувчи объект – билиш воситалари” муаммосини қай тарзда оқилона ҳал этишимизга боғлиқдир. Беруний дастлаб ростдай кўринган, лекин тажриба билан исботланмаган нарсаларга шубҳа билан қарайди ва ўзи амалда текшириб кўрмагунча бундай ривоятларга ишонмайди. “Қарама-қаршилиги равшан аён бўлган, нарсага қандай ишониб бўлади”³, – деб ёзади олим. Билишнинг оддийдан мураккабликка, яъни ҳиссий билишдан ақлий билишга етиши бу билиш жараёнининг ривожланиш босқичлари эканлигини эътироф этган.

Беруний асарларида муҳим ўрин эгаллаган асосий услуб – тажрибага мурожаат қилиши бўлиб, билимнинг ҳақиқийлик мезони соф ақл-фаросат салтанатидан иборатлигидир. Барча машҳур мутафаккирлар, жумладан Арасту ҳам шундай фикрда эди. Арасту “тажриба” деганда ашёларни кўп марта хотирлашни тушунган.

¹ Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Том III. Геодезия. Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи А.Аҳмедов. – Т.: Фан, 1982. –Б.55.

² Хоразм Маъмун академияси. – Тошкент, 2005. –Б.149-150.

³ Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар I том. / Таржимон А.Расулов. изоҳларни И.Абдуллаев ва А.Расулов тузган. –Т.: Фан, 1968. –Б.15.

Мутафаккир оламнинг бир ҳафтада яратилганлиги ҳақидаги диний ақидани тан олса ҳам, масалага рационал ёндашиб, бу ҳафтанинг кунлари бир неча ўн минг йиллардан иборатлигини Қуръони Каримдан олинган мисоллар билан кўрсатмоқчи бўлади. Бошқача айтганда, диний ақидага эътирозида у Қуръони Каримнинг ўзидан фойдаланади. Мутафаккир фикрича “Демак, бундан кўринадики, у муддат биз ҳозир ўлчайдиган ўлчам билан аниқланмайди ва, демак, уни яратилиш бошланиши жиҳатидан аниқлаш йўли йўқ”, деб ўқувчини “ўша ҳафта кунлари чексиз давом этган бўлиши мумкин”, деган хулосага олиб келади. Бундан кўринадики, Беруний вақт ва фазо масаласига юзаки қарашда ислом позициясида турган, уни чуқур илмий талқин қилишда эса рационалистик тенденцияда бўлган. Беруний дунёқарашида шу нарса аниқ кўринадики, у ўз замонидаги илмий ютуқлар нуқтаи назаридан исботлаб бўладиган масалаларга изчил рационалистик ёндашади, исботлаб бўлмайдиган масалаларни баён қилишда эса иррационалистик позициясида қолади.

Беруний ўзининг ер ҳақидаги фалсафий мулоҳазаларини давом эттириб, таъкидлаганки, “ернинг табиий ўрни – сув остида, бунга далил тупроқнинг сув остига чўкишидир. Сувнинг тупроқ ёки ерга сингиши, бу – [улар орасида] ҳавонинг тарқалганлигидандир; сувнинг пастга тушиши бир-бирига тортишган тупроқ [зарралари] орасида ҳаво борлиги сабабли рўй беради”¹, деб таъкидлайди. Беруний шу асосда сувнинг зичлиги тупроқ зичлигидан енгилдир деб, сув таркибидаги ҳаво уни енгил қилиб кўрсатади деган ғояни ҳимоя қилади.

Фалсафа тарихидан маълумки, файласуфлар борлиқ ҳақида турлича ғояларни илгари суришган. Марказий Осиё тупроғида вужудга келган зардуштийлик таълимотида борлиқ Қуёш ва оловнинг ҳосиласидир, алангаланиб турган олов борлиқнинг асосий моҳиятини ташкил этади, деб ҳисобланган. Чунки бу ғоя бўйича, ҳар қандай ўзгариш ва ҳаракатнинг асосида олов ётади ва у борлиққа мавжудлик бахш этади. Қадимги юнон файласуфи Сукрот борлиқни билим билан қиёслайди ва унингча, бирор нарса, биз уни билсаккина бор бўлади, инсоннинг билими қанча кенг бўлса, у шунча кенг борлиқни қамраб олади, деб ҳисоблайди. Қадимги дунёнинг атомист олими Демокрит борлиқ атомлар мажмуасидан иборат деб тушунтирган. Унинг фикрича, борлиқнинг моҳияти унинг мавжудлигидадир. Мавжуд бўлмаган нарса йўқликдир.

Шундай қилиб, Абу Райҳон Берунийнинг оламини билиш ҳақидаги ғоя ва қарашлари унинг илмий ва табиатшунослик борасидаги қарашлари билан ўзаро боғлиқ бўлиб, табиатшунослик фанларида эришган ютуқлари билан изоҳланади. Шунингдек, оламини билиш борасида инсон ўрни ва имкониятларининг ошиб бориши эътироф этилиб, илмий хулосалар асосида гипотезалар (фаразлар) баён этилган. Бу эса мутафаккирнинг ўз даврида илмий қарашларида ҳам, фалсафий мушоҳадаларида ҳам, замондош олимлардан бир

¹ Юқоридаги манба, – Б.75.

қадам олдин юрганлигини билдиради. Берунийнинг асарларида баён этилган олам тузилиши, унинг яратилиши, борлиқ, табиат, ҳақидаги фалсафий қарашлари унинг табиий фанларнинг ривожланишига кўшган улкан ҳиссасидан келиб чиққан бўлиб, уларнинг холисона тадқиқ қилиниши истиқболдаги вазифалардан ҳисобланади.

Ўрта асрларда Шарқ мутафаккирлари ҳам фанларнинг ривожланишига катта ҳисса кўшдилар. Улар қадимги илм-фан ютуқлари, уларни сақлаш, таржима қилиш масалаларига катта эътибор қаратганлар ва шу аснода буюк кашфиётларни амалга оширдилар. Жумладан, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий алгебра ва алгоритмни яратди, Аҳмад ал-Фарғоний эса астрономияни системалаштириб, география ва геодезияда қўлланиладиган стереографик проекция назариясини яратди. Абу Райҳон Беруний геодезия, минералогия, фармакогнозия илмларига замин яратди, уларни шакллантирди.

Мутафаккирнинг илмий асарлари кенг қамровли бўлиб, уларда фалсафага оид, табиат, жамият ва инсон тафаккурининг турли масалалари қаралгандир. Ушбу масала борасида тадқиқотда Беруний асарларида илмлар таснифи ҳақидаги қарашларини кўриб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Илк ўрта асрлар маданиятида барча илмлар икки қисмдан иборат бўлган. Улар ислом тартиб-қоидалари асосида шаклланган шариат илмлари, яъни “улум ал-ислом”, ёки “шариат илмлари” иккинчи гуруҳга риёзиёт, мантик, метафизика каби илмлардан иборат “улум ал-ажам” – “араб бўлмаган илмлар” ёки “улум ал-аклийа”, яъни ақл-идроққа асосланган илмларга бўлинган.

Беруний, албатта “илоҳий илмлар” деганда, қадимги Юнонистон ва Шарқ анъанасидаги “Метафизика”ни тушунган ва шу муносабат билан алоҳида қайд қилиб ўтган эдики, бу илмларнинг муаммоларини “уларнинг маъноларининг мураккаблиги, улар ибтидо-асосларининг чалкашлиги, методларининг ўта нозиклиги, улар предметининг ўта катта, буюклиги ва улар ҳақидаги тасаввурлар, қарашларнинг ўта кенглиги туфайли тушуниш жуда қийин¹.

Берунийни аввало, фалсафанинг табиат ва унинг ҳодисаларини ўрганувчи бошқа фанлар билан алоқаларини ўрганувчи фан сифатида қарайди. У фалсафага йўл бошқа фанлар, жумладан табиий фанлар орқали ўтади, улар фалсафани билишга ва тушунишга имкон беради, бошқа томондан эса, табиий фанлар ўз навбатида, фалсафага ўз исботлаш ва тадқиқ этиш усулларини ишлаб чиқишга ёрдам беради деб ҳисоблайди. Берунийнинг фикрича, фалсафа оламнинг сирларини очишга қаратилгандир, фалсафа ҳаётий эҳтиёжлар туфайли мавжуддир деб ҳисоблайди.

Тадқиқотда мутафаккирнинг жамият ҳақидаги ғоялари ҳам таҳлил этилган. Беруний жамиятнинг вужудга келиши ва эволюциясини таҳлил қилар экан, у жамият тузилишининг унсурлари ўртасидаги муносабат ва алоқаларни кўрсатиб, уларни ижтимоий ҳаётдаги ролини аниқлайди. Беруний нафақат табиатшунос олим, балки инсоният жамиятининг вужудга келиши,

¹ Умарова Р.Ш. Берунийнинг борлиқ ҳақидаги таълимоти. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. - Тошкент, 2011. –Б.87

шаклланиши ва ривожланишини ҳам атрофлича ўрганган ва ўз даври учун ҳам, бугунги давр учун ҳам аҳамиятли бўлган ижтимоий фалсафий фикрларни билдирган олимдир. Берунийнинг фикрича, одамлар жамоага икки сабабга кўра бирлашганлар – яшаш учун курашда хавфларни биргаликда бартараф этиш ва биргаликда ишлашлари учун бирикканлар.

Берунийнинг жамият ҳақидаги қарашлари маҳаллий ва хорижий адабиётларда махсус ўрганилмаган. Олимнинг жамият ҳақидаги қарашлари ўзининг оригиналиги ва ўткир фикрлиги билан катта қизиқиш уйғотади. Беруний ижтимоий қарашларининг қизиқарли томони шундаки, у даставвал қомусий олим сифатида илмий тадқиқот методини ишлаб чиқишга интиланган. Ана шу методнинг асосий хусусияти ўрганилаётган ҳодисаларга тажрибавий, рационал ёндашиши бўлиб, унинг энг муҳим талаби – оғишмай ҳақиқатга интилишдан иборат эди.

Тадқиқотчи Ф.Журакуловнинг таъкидлашича, Ғарб олимлари Беруний илмий меросини мунтазам равишда ўрганишни бошлаган дастлабки босқичлардан оқ унинг инсон, жамият, дин билан боғлиқ қарашларининг замонавий талаблар нуқтаи назаридан беқиёс аҳамиятга эга эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилган¹.

Мутафаккир жамиятни шунчаки кишилар йиғиндиси эмас, балки у аввало ўзаро бир-бири билан ижтимоий-маънавий, ахлоқий алоқада бўлган кишиларнинг бирлигини ифодаловчи тушунча ҳисобланади. Унингча инсоннинг ёлғиз ўзи ҳал қилувчи қудратга молик эмас, унга куч қудратни фақат жамият бераолади, деган илғор конструктив ғояларни илгари суради.

Мутафаккирнинг фикрича, жамиятнинг ҳар бир онгли аъзоси ўз касб-кори ва ихтисосидан қатъий назар, жамият тўғрисидаги билим ва таълимотларни чуқур эгаллаш орқалигина теварак-атрофдаги рўй бераётган ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг келиб чиқиши сабаблари ва оқибатларини билиш, уларни бошқариш қобилиятига эга бўлади, деган хулосага келади. Шунингдек, жамият тўғрисидаги билимларгина барча халқларга хос ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий ҳодисаларнинг умумий асосини аниқлашга, яъни ижтимоий-сиёсий ҳаёт барқарорлигининг фундаментал асосларини белгилашга, жамиятни яхлит ҳолда сақлаб қолишга имкон беради, деб таъкидлайди.

Беруний жамият ҳақидаги назарий мулоҳазаларида доимо жуда кенг маънодаги икки иборадан фойдаланади; *хосса* (кўплиги *ҳавосс*) – сараланганлар, аъёнлар, зодагонлар, аристократлар, олийжаноблар, яхшилар, маърифатлилар; *омма* (кўплиги *авомм*) – қора халқни назарда тутаяди. Лекин Беруний бу ибораларни қўллашда уларга моддий ва молиявий маъно бермай, кўпроқ кишиларнинг интеллектуал, ақлий, маънавий жиҳатдан эришган поғоналарига урғу беради.

¹ Журакулов Ф.Н. Абу Райхон Беруний табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий меросининг Ғарб олимлари томонидан тадқиқ этилиши /фалсафий-тарихий таҳлил/ Фал.фан.ном. даражасини олиш учун ёз.дисс.-Тошкент, 2007. –Б.94.

Мутафаккир инсоннинг жамиятдаги ўрнини аниқлаб, инсон табиатнинг ва мижозларнинг турлича бўлишига географик омилнинг таъсирини кўрсатиб шундай дейди: “Одамларнинг тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларининг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг (одам) яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир. Тилларнинг турлича бўлганлигига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларни ифодалаш учун (зарур) бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан ҳалиги иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва такрорланиш натижасида таркиб топиб, тартибга тушган”¹.

Беруний жамият, унда узлуксиз равишда бўлиб турадиган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида муҳим ижтимоий-фалсафий ғояларни илгари суради ва исботлаб беради. Жамиятда бўлиб турадиган ўзгаришлар, яъни тузилиш ва бузилишларнинг, пайдо бўлиш ва йўқолишларнинг ўзига хос сабаблари борлиги ҳақида фалсафий мулоҳазаларни ўртага ташлайди.

Унинг асарлари таҳлилида шуни кузатиш мумкинки, у ҳукмдорлар бўлиши зарурлигини ҳам, ҳокимиятнинг меросийлик тамойилини ҳам, хусусий мулкнинг, шу жумладан ер мулкчилигининг муқаррарлигини ҳам тан олган. Бироқ Беруний фикрича, ҳукмдор зарур сифатларга – адолатга ва ақлга эга бўлиши зарур. Беруний ҳар қандай зўравонлик, золимлик, шафқатсизлик, миллий, ирқий ва диний тенгсизликнинг душмани эди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Беруний фалсафий меросининг гуманистик моҳияти”** деб номланган. Бу бобда мутафаккирнинг қадимги юнон ва ҳинд фалсафий таълимотларига муносабати, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва турли диний конфессияларга нисбатан қарашлари тадқиқ этилган.

“Юнонларни билиш, - таъкидлайди Дж Бернал, – уларни ҳаётга янгитдан ўзгартирилган ҳолатда юзага чиқариларди. Чунки уларни қадимги Шарқ илмий жамоатчилиги ўрганиб ва ниҳоятда синтез қилиниши асосида эътироф этиларди. Қадимги юнон афсоналари, мусулмон мутафаккир олимларига ҳиссий ва эмоционал кайфиятлар уйғотолмасди. Ушбу олимлар антик дунё меросига танқидий руҳда муносабатда бўлардилар. Буларнинг асарларини ўрганиш, шундан далолат берадики, уларда кўпроқ рационализм мантикий муҳокама сифатида намоён бўлади”².

IX-XI асрлар Шарқ фанининг асосий йўналиши антик давр фанини ўзлаштириш ва ривожлантиришда уларга нисбатан янги бўлган барча маълумотларга интилиш, янгилик йўлида тўхтовсиз изланиш эди. Янгилик йўлида изланиш эса асосан амалиёт, тажриба орқали олиб бориларди. Берунийнинг айтишича, фаннинг бу даврдаги ривожланишини характерловчи яна бир хусусияти шуки, узлуксиз ривожланаётган эмпирик фанлар фалсафа

¹ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар I том. / Таржимон А.Расулов. Изоҳларни И.Абдуллаев ва А.Расулов тузган. Масъул муҳаррирлар: И.Абдуллаев ва О.Файзуллаев. –Т.: Фан, 1968. –Б.16.

² Бернал Дж. Наука в истории общества. – М.: 1956. –С.161-162.

билан, кўпроқ қадимги юнон фалсафаси билан алоқа ва боғланишда бўлиши керак, деб таъкидлайди.

Беруний ҳинд фани ва фалсафаси, тарихи ва урф-одатларини чуқур ўрганар экан, уларни юнон фалсафаси ва мифологияси билан солиштиради. У Ҳиндистонни ўрганиш учун қадимги ҳинд тили – санскритни ўрганган бўлса, икки халқ орасидаги қарашларнинг яқинлигини яна ҳам чуқурроқ билиш учун ўзига керакли юнон манбаларини ўрганди. “Ҳиндистон” асарида 25 дан ортик юнон асарларини эслатади.

Буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний Аристотел фалсафасини изоҳи билан чекланиб қолмасдан, бошқа юнон файласуфларининг фалсафий қарашларига ҳам эътибор қаратган. Унинг қарашлари “Осор ал-боқия”, “Ҳиндистон”, “Геодезия”, “Минералогия” каби асарларида кўп учрайди. Бу эса мутафаккирнинг фалсафий дунёқарашининг ривожланишига ва шу билан бирга унинг фалсафа тарихидан муносиб ўрин олишига имкон берди. Масалан, Беруний қадимги юнон фалсафасининг қадимийлиги ва ҳинд фалсафий қарашларига яқинлигини таъкидлайди.

Беруний ҳиндларнинг фалсафий-диний қарашларини ўрганар экан, уларнинг “Гита”¹, “Санкхия”² ва “Патанжала”³ каби асарларидан фойдаланади ва айрим пураналарнинг⁴ (“Вишну-пурана”, “Вишну-дҳармоттара”) асарларига мурожаат қилади. Бизнинг фикримизча, ҳинд файласуфларининг мутафаккир билан мулоқоти Берунийнинг фалсафий таълимотларини баён қилиши учун бу китобларни танлаганлигига туртки бўлган. Берунийнинг ўзи гувоҳлик беришича, ўша йиллар у Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонда ҳиндларнинг фалсафий ва илмий адабиётлари билан тўла танишиш икониётига эга бўлган.

Тадқиқотда Абу Райҳон Беруний буюк олим сифатида ўз асарларида умуминсоний ахлоқий қадриятлар ҳақида ҳам фалсафий фикрлар юритган. Унинг асарларида инсон бахт-саодати, таълим-тарбияси, камолоти бош масала ҳисобланиб, инсонни табиатнинг бир қисми, деб билади. Унинг фалсафий тафаккурида олам яратилиши, руҳ ва жоннинг ўзаро муносабати масалалари муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, айниқса, бу “Минералогия” асарида тасвирланган. Олимнинг фавқулодда ўткир фаҳм-фаросати, зийраклиги, масалага илмий ёндашиши ва тадқиқот методикасининг юқори савиядалиги, тушунча ва тасаввурларнинг ғоят даражада аниқлигини асарда яққол кузатиш мумкин. Жумладан, олим ушбу асарда оила ҳақидаги фикрларини келтирар экан, инсонларнинг жуфт-жуфти билан яратилганлигига ишора қилади. Демак, мутафаккир оила қуриш асосларини тушунтирар экан, ижтимоий

¹ “Гита” (Gītā, г̣ ī t ā) – Беруний “Бхарата” (Bhārata, б х ā р c) деб атайдиган машҳур фалсафий поэма, қадимги ҳинд эпоси “Маҳабхарата”нинг олтинчи китобига кирган “Бҳагавадгита”нинг бир қисми; қискартирилган атама “Гита” “Ҳиндистон”да кўп ишлатилади. “Бҳагавадгита” (“Эгамнинг куйи”) Кўп асрлар давомида бу асар Ҳиндистонда катта эътиборга эга бўлган ва у ҳинд фалсафасининг кейинги ривожланишига улкан таъсир кўрсатган; “Гита”га кўпроқ вишнуизм диний-фалсафий таълимотига асосланади.

² Санкхия – “Санкхия сутра” (Санкхия хикматлари) асари бизгача етиб келмаган.

³ “Патанжала” (Pātañjala, п ā т н ж л, б ā т н ж л) – бу ном билан Ҳиндистонда санкхияга туташувчи йога фалсафий мактаби.

⁴ Пурана – ўн саккиз қисмдан иборат бўлиб, ведаларнинг тафсирига бағишланган асар.

муносабатлар натижасида оилавий муносабатлардан тортиб жамоа бўлиб яшашни фалсафий нуқтаи-назардан изоҳлайди: “Талаблар эса шунчалар турли-туманки, инсон бир ўзи уларни қондирмоққа имкони йўқ, бунинг учун унга битта ёрдамчи ҳам камлик қилади. Фақат бир неча одам жам бўлсагина, эҳтиёжларни қондирмоғи мумкин. Бунинг учун эса одамлар шаҳарлар (кўрғонлар, қишлоқлар) қурмоққа эҳтиёж сезадилар”¹. Беруний фикрича, жамоа бўлиб яшаш қулай бўлиб, барча моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиради. Жамият тараққиётининг турли даврларида ахлоқий кадриятлар оила ва никоҳ масалалари шарқ олимларининг диққат марказида бўлиб, келган. Ушбу масала нафақат Абу Райҳон Берунийда, балки Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Юсуф хос Хожиб, Маҳмуд Замахшарий ва бошқаларнинг асарларида ҳам ўз аксини топган.

Беруний “Минералогия”, “Осор ал-боқия”, “Сайдана”, “Ҳиндистон” асарларида баён этган ахлоқий кадриятлар, инсонийлик, яхши хулқлар ҳақидаги кўпгина фалсафий ғоялари орадан минг йиллар вақт ўтганлигига қарамай, ҳозирги кунда ҳам ғоят қимматлидир.

Дин масаласи қадимдан файласуф олимларнинг диққатини ўзига жалб этган. Улар динга турлича таъриф ва тавсифлар берганлар. Динни ғоялар тизими сифатида таҳлил этувчи дин фалсафаси йўналиши шаклланган.

Берунийнинг дин ҳақидаги ғоялари кўпгина тадқиқотчиларни, жумладан хорижий олимларни ҳам қизиқтириб келган. Биринчи бўлиб немис олими Э.Захау² Берунийнинг диний дунёқараши ҳақидаги муаммони кўтариб чиқди. У Берунийнинг асарлари асосида мутафаккирнинг нафақат ислом динига балки бошқа динларга муносабатини ўрганган бўлса, покистонлик олим С.Ҳ.Бороний эса Беруний учун “ислом ва илм биргина нарсанинг ўзи эди”³, деган фикрларни илгари сурган эди. У фикрини давом эттириб, Беруний ва Ибн Синонинг қарашларини таққослаб, у “иккиси ҳам исломга чин дилдан ишонган ва иккаласи ҳам ўз динларига хизмат қилиш учун ҳаракат қилишган”⁴ деб таърифлайди.

Беруний ўз тадқиқотларида ислом динига катта урғу беради. Чунончи, у яҳудийлик дини (иудаизм)ни ва христианликни олам яратилиши масаласини ва шунингдек Одам алайҳиссаломнинг қачон яратилганлиги ҳақидаги мисолларда солиштириб, бу динлардаги чалкашликлар аниқ кўринишини “Таврот”да ҳам, “Инжил”ларда ҳам борлигини кўрсатади⁵.

Абу Райҳон Берунийнинг асарларида динлар қиёсий таҳлил қилинган. Айниқса, алломанинг “Осор ал-боқия”, “Ҳиндистон” асарларида бу мавзуга

¹ Абу Райҳон Беруний. Китоб ал-жамоҳир фи-маърифат ал-жавоҳир (Минералогия). – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б.11

² Шарипов А. Великий мыслитель Беруни. – Т.: Фан, 1972. –Б.145.

³ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Том III. Геодезия. //Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи А.Аҳмедов. – Т.: Фан, 1982. –Б.41.

⁴ Усманов М.А. Проблема религии в мировоззрении Беруни. // Сборник статей к 1000-летию со дня рождения. – Т.: Фан, 1973. –С.40.

⁵ Абу Райхан Беруни: Избранные произведения. Том. I. Памятники минувших поколений. – Т.: Фан, 2014. - С. 80.

жуда кенг тўхталиб ўтилган. Шуни ҳам айтиш керакки, берунийшуносликда алломанинг ижоди билан шуғулланган олимлар Берунийнинг эътиқоди масаласида ҳам кўпгина қарашларни илгари сурганлар.

“Беруний ижтимоий-фалсафий қарашларининг ўзбек миллий фалсафий тафаккур ривожигаги ўрни” деб номланган тўртинчи бобида Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний илмий ижодини ўрганиш, жумладан, фалсафий қарашларини тадқиқ қилиш муҳим фалсафий-илмий муаммолардан бири ҳисобланади. Қуйидаги бобда Беруний асарларидаги инсонпарварлик ғояларининг тарбиявий аҳамияти ва ҳозирги даврдаги берунийшуносликнинг ривожлантирилиши истиқболлари тадқиқ этилган.

Маълумки, Абу Райҳон Беруний ўзидан жуда катта илмий мерос қолдирган бўлиб, унинг асарларини умумий сони 180 га яқин. Шулардан 70 таси астрономияга, 20 таси математикага, 12 таси география ва геодезияга, 4 таси картографияга, 3 таси об-ҳаво масалаларига, 3 таси минералогияга, 1 таси физикага, 1 таси доришуносликка, 15 таси тарих ва этнографияга, 4 таси фалсафага ва 18 таси адабиётга бағишланган бўлиб, қолганларининг илмий йўналиши номаълум. Бу асарлардан фақат 30 га яқини бизгача етиб келган¹. Д. Буалонинг изланишлари натижасида дунё кутубхоналарида мавжуд бўлган барча манба, қўлёзма, каталоглар, ўзгача мавжуд бўлган аллома асарлари мутафаккир асарлари юзасидан олиб борилган тадқиқотлардаги маълумотларни қиёслаган ҳолда Беруний асарлари рўйхатини 180 тага етказган. Ҳозиргача бизга 33 та асар етиб келганлигини ҳисобга олсак, Беруний асарларининг катта қисми ҳали ўрганилмаган деган хулосага келиш мумкин.

Тадқиқотда олимнинг меросини ўрганиш бўйича кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлса ҳам, унинг кам ўрганилган асарларини таржима қилиш тарих саҳифаларини тўлдиради.

Абу Райҳон Берунийнинг улкан илмий меросини холисона ўрганиш ва тўғри таҳлил этиш нафақат аллома асарларига мурожаат этиш, уларни таржима қилиш билан ўлчанади, балки олимнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари тизимини тадқиқ этиш учун қўллаётган услуб, методларга ҳам боғлиқдир.

Академик И.М.Мўминов таъкидлашича, “Беруний умумийлик ва хусусийликни, миллийлик ва интернационалликни биргаликда олиб қарайди ва уларнинг тафоввутини ҳам кўрсатиб беради”².

Берунийнинг илмий мероси XIX асрдан бошлаб Европа ва Осиё мамлакатлари олимлари томонидан ҳам тадқиқ этилган. Унинг асарлари лотин, француз, итальян, немис инглиз, форс, турк тилларига таржима этила бошланди.

Жавоҳарлал Неру: “Абу Райҳон Беруний юнон фалсафасини ўрганиб, ҳинд фалсафасини мутолаа қилмоқ учун қадимги санскрит тилини ўргана

¹ Biolot, D.J.L'oeuvre d'al-Beruni, Essai bibliographique. Institute Dominicain d'études orientales du Caire, Mélanges, 2, Le Caire, 1955; Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. –Т.: Фан, 1972. С.290-313; Каримов У.И. Абу Райҳон Беруний. Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига. –Т.: Фан, 1973. –Б.29.

² Мўминов И. Хоразмлик буюк энциклопедист олим. –Т.: Фан, 1973. –Б.17.

бошлади. У хинд ва юнон фалсафасини бир-бирига солиштириб, буларда мавжуд бўлган умумийликдан ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби фактик маълумотларга бой бўлиб, унда уруш, талон-тарож, оммавий қирғинлар бўлишига қарамай, фан аҳллари ўз ишларини давом эттирганликлари кўрсатиб берилган. Икки орани нафрат ва худбинлик кайфиятлари бузиб турган пайтларда ҳам, аллома бегона одам бўла туриб, бу ўлка кишилари аҳволини тушунтиришга ҳаракат қилган”¹, деб ёзган эди. Бу иқтибосда биз фақат “бегона” сўзини тан олмаймиз, чунки Беруний “Ҳиндистон” асарини ёзаётган пайтида у бу мамлакат учун бегона эмас эди.

Берунийнинг таъкидлашича, инсон юксак фазилатга эришиши учун “ҳикматларни севиши яъни файласуф бўлиши керак. Фалсафа ёки ҳикмат юнонларда жамийки мавжудотлардаги мавжуд барча нарсаларнинг ҳақиқатини билишдан иборатдир. Агар инсон изловчан ва аниқликни талаб қилувчан бўлса, илмнинг тармоқларидан бирор тармоқни тўла маъноси ҳақида сўзлай олиши мумкин. Бунинг учун инсон албатта донишманд файласуф бўлиши ва ҳамма билимларнинг асосларини эгаллаши лозим”². Демак, Берунийнинг фикрича, фозил инсон фалсафий билимларга эга бўлиши лозим.

Тадқиқотда Беруний кишилардаги барча салбий томонларни қоралаб, яхшилик ва олийжаноблик каби хислат ва хусусиятларни мактаган. “Ҳиммат қилишга интилиш ҳам худди мурувватга бўлган интилишга ўхшаш”. Яхшилик барча одамларга баб-баравар, хусусан ўз аҳлига ҳамдард, ҳамкор бўлишга интилишни англатади; киши эзгу орзу-тилақлар билан қодир бўлганда моддий ёрдам беришга интилиши нақл қилинади. Инсонга энг яқини унинг нафсидир. Шу нафс, аввало, ўзига яхшилик қилишга интилиши керак. Унга шундай энг яқини унинг баданига тегиб терисини қоплаб турган кийим бош, ўз ичига олиб турган бошпана, хизматини бажариб турган хизматчи, идишларда турадиган ейиш, ичиш ва ишлаш қуролларидир.

Абу Райҳон Берунийнинг ахлоқ-одобга оид ғоялари ҳам беҳад даражада қизиқарлидир. Инсоннинг ахлоқий қиёфаси жамиятда, бошқалар таъсирида шаклланади. Шундай экан, шахснинг ахлоқи жамият олдидаги бурчини сидқидиллик билан бажаришига хизмат қилмоғи лозим. Инсоннинг ташқи қиёфаси табиат инъомидир, уни ўзгартиришнинг имконияти йўқ. Бирок ахлоқий қиёфани ўзгартириш инсоннинг ўз қўлида. Демак, уни ёмон хулқдан яхши фазилатлар томон айлантириш имкониятлари чексиз. Бунинг учун шахс ўз хулқ-атвори, хис-туйғулари устидан ҳукмрон бўлмоғи, руҳини тарбиялаб бориши, уни ахлоқий жарроҳлик воситасида даволаши, ахлоқ-одоб борасидаги китобларда таъкидланган усуллар билан камчиликларидан қутулмоғи лозим. Ана шундагина, у ўзининг салбий одатларидан холи бўлиб, юксак ахлоқий фазилатлар соҳибига айланади³.

¹ Джавахарлал Неру. Открытие Индии. – М.: Инсотр Лит., 1955. – С.246-247.

² Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Том III. Геодезия. Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи А.Аҳмедов. – Т.: Фан, 1982. –Б.203.

³ Назаров Қ. Ўзбек фалсафаси. –Т.: 2013. –Б.108.

Абу Райҳон Берунийнинг олим сифатидаги буюклиги халқлар ўртасида дўст, иноқ, тинч яшашлари учун интилганлигидир. У инсониятга, у яратган фан ва маданиятни инқирозга келтирувчи урушларни қаттиқ қоралади. Олим ўзининг “Ҳиндистон” асарида “халқлар ўртасида тортишиш ва талаш кўп”¹, деб афсусланиб ёзган эди. Унинг Ҳиндистонда олиб борган кенг илмий тадқиқот ишлари халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва маданий муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Бундан кўринадики, аллома маданий ҳамкорлик ва илм-маърифатнинг кенг тарқалишига катта эътибор қаратган ҳамда унга ўз амалий ҳиссасини қўшган.

ХУЛОСА

Диссертация натижалари бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, Абу Райҳон Беруний яшаган давр X асрнинг охиригача чорагидаги ва XI асрнинг биринчи ярми тўғри келади. Айнан шу даврда аниқроғи IX асрдан бошлаб, ислом мамлакатларида, яъни Яқин Шарқ, Мовароуннаҳр ва Хуросон ерларида илм-фан, фалсафа, адабиёт, маданият гуллаб яшнаган. Бунинг сабаблари Марказий Осиё ва унга қўшни мамлакатларда рўй берган илм-фаннинг кучли ижтимоий-фалсафий ривожланиши ҳамда илк Ренессанснинг вужудга келганлигидир;

Иккинчидан, Берунийнинг ижтимоий-фалсафий дунёқарашининг шаклланишида қадимги Хоразмда мавжуд бўлган илм-фан, маданият, фалсафий тафаккур аъёнлари кучли таъсир кўрсатган бўлса, ўз навбатида Маъмур академиясини бутун дунёга танитишда мутафаккирнинг хизматлари муҳим роль ўйнади. Шу сабаб Абу Райҳон Беруний X-XI асрлардаги Шарқ Ренессансининг ёрқин юлдузи сифатида эътироф этилади;

Учинчидан, Беруний илгари сурган илмий ва фалсафий ғоялар ўз замонидан анча илгарилаб кетган, кейинги давр илмий-фалсафий фикр тараққиётига катта ижобий таъсир ўтказганлиги, ҳозирги кунда ҳам унинг ижодига бўлган қизиқишни оширмакда;

Тўртинчидан, Берунийнинг фалсафий дунёқарашининг ўзига хослиги унинг Ибн Сино билан савол-жавобларида ва “Осор ал-боқия”, “Ҳиндистон”, “Теодезия”, “ал-Қонун ал-Масъудий”, “Минерология”, “Китаб ус-сайдана” каби шоҳ асарларида эътироф этилган бўлиб, ҳозирги замон Шарқ ва Ғарб олимлари орасида шунингдек, Ватанимиздаги нуфузли илмий тадқиқот институтларида чуқур илмий таҳлил этилиб, салмоқли натижаларга эришилмоқда. Мутафаккирнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари ўзаро уйғун ҳолда ривожланган бўлиб, улар бир-бирини тўлдирди ва аниқлаштиради;

Бешинчидан, Абу Райҳон Берунийнинг олами билиш ҳақидаги ғоя ва қарашлари унинг илмий ва табиатшунослик борасидаги қарашлари билан

¹ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Том II. Ҳиндистон. Арабчадан А.Расулов ва бошқалар.Сўз боши ва изоҳлар А.Ирисов. –Т.: Фан, 1965. –Б.57.

ўзаро боғлиқ бўлиб, табиатшунослик фанларида эришган ютуқлари билан изоҳланади. Бу эса мутафаккирнинг илмий-фалсафий мушоҳадаларида ҳам бир қадам олдин юрганлигини кўрсатади;

Олтинчидан, Абу Райҳон Беруний ўз даврининг этносоциологи сифатида жамиятнинг вужудга келиш сабаблари, ички тузилиши, урф-одатлари, оилавий муносабатлар, диний қадриятлар, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини очиб берган;

Еттинчидан, Берунийнинг ижтимоий қарашларида инсон фазилатлари, юксак маънавий-ахлоқий, тарбиявий хусусиятлари кенг талқин этилган. Унинг асарларидаги идеал жамият ва раҳбар тўғрисидаги барча фикр ва мулоҳазалари инсон камолоти ва маънавий юксалишига қаратилгандир. Шунингдек, аллома ахлоқий қарашлар, инсонпарварлик, инсоний фазилатлар, мурувват, комилликка интилиш каби фазилатларга кўпроқ эътибор қаратади;

Саккизинчидан, Берунийнинг асарларида келтирилган фалсафий тадқиқотлардаги фикр ва мулоҳазалар бугунги кунда ҳам маънавий тафаккуримизни бойишига хизмат қилади. Шунингдек, қиёсий таҳлил асосида қадимги ҳинд ва юнон фалсафасининг нодир манбаларидан фойдаланган алломанинг илмий мероси, илмий тадқиқотларимизда муҳим манба сифатида эътироф этилади;

Тўққизинчидан, Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳали етарли ўрганилмаганлиги, бу соҳада қилинган илмий тадқиқотлар, айнан фалсафа тарихи нуқтаи-назаридан мазкур мавзунинг истиқболда ривожлантирилиши зарурлигини кўрсатади.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Абу Райҳон Беруний ижодини ўрганиш борасидаги шўролар даврида олиб борилган ишларни янгидан, холисона ўрганиш, таржима ишларини давом эттириш ва чоп этишни кенгайтириш масаласида аниқ, конструктив илмий таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш лозим;

2. Берунийнинг илмий меросини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида, минтақавий ва умумжаҳон илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш, аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш ишларини ҳамкорликда мунтазам равишда давом эттириш зарур.

3. Беруний асарларининг янги қирраларини очиб берувчи илмий-оммабоп нашрларни кўпайтириш лозим;

4. Абу Райҳон Беруний таълимоти асосида ижтимоий-фалсафий тушунчалар қомусий луғатини яратиш;

5. Абу Райҳон Беруний асарлари асосида фалсафа тарихига оид электрон дарслик тайёрлаш;

6. Абу Райҳон Беруний асарларига оид манбаларни ўрганиш бўйича махсус эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил этиб бориш;

7. Абу Райҳон Берунийнинг антропология, гносеология, онтология, аксиология, этика, эстетика, маънавият, маданиятга оид диний, ижтимоий-

фалсафий қарашларини истиқболда яратиладиган янги ўқув адабиётлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларга киритиш;

8. Абу Райҳон Беруний асарларининг лотин алифбосидаги таржимасини нашр эттриш;

9. Жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишда Абу Райҳон Берунийнинг илғор ва бунёдкор ғояларидан фойдаланиб, махсус услубий қўлланмалар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

**РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ УЧЕНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

ХАНДАМОВА МАЪРИФАТ АКРАМОВНА

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ АБУ РАЙХАНА БИРУНИ

09.00.03 – История философии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (DSc)**

Самарканд – 2021

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.1.DSc/Fal58.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков. Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) на веб-странице (www.samdu.uz) по адресу (www.ziynet.uz) информационно-образовательного портала "ZiyoNet".

Научный консультант: Шодиев Рустам Тохирович
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты: Наврузова Гулчехра Негматовна
доктор философских наук, профессор

Сафарова Нигора Олимовна
доктор философских наук, профессор


Бахадиров Ронк Маждович
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация: Национальный университет Узбекистан

Защита диссертации состоится «18» декабря 2021 года в 16⁰⁰ часов на основе Разовый заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, дом 15. Тел: (0366) 239-13-87, (0366) 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирован за номером 74). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, дом 15. Тел: (0366) 239-13-87, (0366) 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Автореферат диссертации разослан «7» декабря 2021 года.
(Протокол рассылки от «7» декабря 2021 года за номером 74)



Ш.Ш.Негматова
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней
доктор философии (PhD), доцент

А.Р.Самадов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор философских наук (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Историческое развитие мира показывает, что гуманистические идеи толерантности, межнационального согласия, солидарности, выдвинутые в богатейшем духовно-философском наследии великих ученых и мыслителей, сохраняют свою конструктивную роль в предотвращении деструктивных ситуаций в обществе. В частности, духовное наследие мыслителей, внесший значительный вклад в мировую цивилизацию, играет ключевую роль в нормализации процесса культурной трансформации в условиях глобализации, сохранении общечеловеческих ценностей. В то же время использование социального, философского и культурного наследия наших предков в развитии интеллектуального потенциала современной молодежи актуально и сегодня.

Научно-гносеологические исследования проводятся в рамках концепции изучения нравственных, научных, просветительских и философских взглядов и учений мыслителей-энциклопедистов, являющихся уникальным сокровищем духовного наследия в истории развития мирового научно-философского наследия. Эта концепция лежит в основе фундаментальных исследований важного духовного наследия в области истории философии в области мировой науки, и сегодня актуален вопрос эффективного использования научного, религиозного, философского и культурного наследия, оставленного нашими предками. В этом смысле изучение научного и философского наследия великих мыслителей и их роли в поиске решений современных философских проблем остается предметом исследования.

Всестороннее изучение и популяризация научного и духовного наследия великих ученых нашей страны, благородных традиций наших предков перед подрастающим поколением. «Научно-философское наследие, созданное мыслителями Центральной Азии, является неиссякаемой сокровищницей богатства в формировании мировоззрения молодого поколения, порождающих в их сознании представление о развитии природы и общества. Эффективное и действенное его использование - актуальная задача, стоящая сегодня перед нашим независимым обществом»¹. При выполнении этих задач, прежде всего, научные исследования и привитие в сознание молодежи богатого духовного наследия наших великих предков, особенно социально-философских взглядов Абу Райхана Бируни, в современном мире имеет еще большее значение.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, указанных в ПП-4947 Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПП-5635 от 18 января 2019 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» и Государственная программа на

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. – Т.: Маънавият, 2017 –Б.184.

Год социального развития», УП-2995 от 24 мая 2017 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы сохранения, исследования и популяризации древних письменных источников» и ПП-3160 от 28 июля 2017 г. «О повышении эффективности духовно-просветительской деятельности и поднятии на качественно новый уровень развития сферы», Постановления ПП-3721 от 12 мая 2018 г. «Об организации конкурсов чтения среди молодежи в целях широкого изучения и популяризации творческого наследия великих ученых, писателей и мыслителей» и УП-5465 от 8 апреля 2019 г. идея на новом этапе развития Указа Узбекистана «О мерах по разработке Концепции развития».

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики I. «Формирование системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информированного общества и демократического государства и путей их реализации».

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации¹:

Исследования по проблемам, связанным с творчеством Бируни, проводят ведущие мировые исследовательские центры и высшие учебные заведения, в том числе, Widener University, University of Florida, University of Pennsylvania, University of Miami (США), University of Oxford, London Business School (Лондон), Санкт-Петербургский государственный университет, Московский государственный университет (Россия), University of Vienna, Queensland University of Technology (Австралия), University of Brussels (Бельгия), University of Hamburg (Германия) и другие.

